

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил август ойининг 5 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья С.Т.Махаметов, судья ёрдамчиси Н.Пирановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиҳаёт туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Пардаев, судланувчи Н.Ешимов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокат Д.Имамбаеванинг иштирокида,

Ешимов Нодирбек Алимжон ўғли (YESHIMOV NODIRBEK ALIMJON O'G'LI) 2000 йил 17 июнь куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати қозоқ, (ўзбек тилини яши тушунади) Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, ҳарбий хизматга мажбур, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Қўшғоч Қ.Ф.Й Қинғир тош кўчаси 63-уйда истиқомат қилади, иш бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 15 июль куни олган

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбланиш ҳақидаги 1-1012-2401/280-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва гувоҳни кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тўпланган ҳужжатларни атрафлича таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Н.Ешимов 2024 йил 8 июнь куни Тошкент вилояти, Зангиота тумани “Боғдор” М.Ф.Й ҳудудидаги дала майдонидан ёввойи ҳолда ўсган наша гиёҳванд моддасини барглари териб олиб, ушбу барглари сигарет фалгасига қойиб заживалка ёрдамида қуриштириб, келгусида истеъмол қилиши учун ёнида бўлган оқ қоғоз ичига солиб, қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

2024 йил 10 июнь куни соат тахминан 02:10ларда Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани “А.Турбанов” ЙПХ масканида хизмат олиб бораётган ИИО ходимлари томонидан гиёҳванд моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилувчи шахсларни аниқлашга қаратилган тадбир давомида, Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳри ҳудудида ҳаракатланиб келаётган “Матиз” русумли, давлат рақами 01 С 036 ЕС бўлган автомашина тўхтатилиб, холислар иштирокида текширилганида, ушбу автомашинада йўловчи сифатида ҳаракатланиб келаётган Н.Ешимовнинг чап оёқ кийимининг ичидан бир дона оқ қоғозга ўралган ўт симон ўткир хидли модда борлиги, аниқланиб далилий ашё тариқасида олинган.

Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизанинг 2024 йил 10 июндаги 2320-сонли хулосасига кўра, Н.Ешимовдан олинган бир дона қоғозга



ўралган ўт симон ўткир хидли модда таркибида тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда “Марихуана” гиёҳвандлик моддаси эканлиги, унинг умумий миқдори 2,21 граммни ташкил этиши аниқланган.

Судланувчи Н.Ешимов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у у 2024 йилнинг бошларидан марихуана гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиб келганлигини, 2024 йил 8 июнь куни ўз ишлари билан Зангиота туманидан қайтиб келаётганлигида, ўша ерга ҳожат қилиш мақсадида тўхтаганлигини ва ариқ бўйида ёввойи ҳолатда ўсган бўйи тахминан 50 смли бўлган ёввойи наша ўсимлигини кўриб қолганлигини ва наша ўсимлигини қизиқиб истеъмол қилиш мақсадида оз миқдорда барглари териб олиб ўша ерда зажигалка ёрдамида сигарет қутисининг фалгасида қуритганлигини ва оқ қоғоз бўлаги ичига солиб чўнтагига солиб қўйганлигини, ва ўзини ёнида сақлаб юрганлигини, 2024 йил 10 июнь куни у Янгиҳаёт тумани А.Турбанов ЙПХ масканидан таниши Дилшод билан Дилшодга тегишли бўлган Матиз русумли давлат рақами 10 С 036 ЕС бўлган автомашинада қайтаётган вақтида Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани, А.Турбанов ЙПХ блок постида хизмат олиб бораётган ИИО ходимлари Д.Ахмедовнинг бошқарувида бўлган автомашинани тўхтатишганлигини ва Д.Ахмедовдан машинани бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини сўрашганлигини, кейин бошқа ходим келиб ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини сўраганлигини, сўнг улардан ёнида тақиқланган нарсалар бор ёки йўқлигини сўрашганлигини ва икки нафар холислар иштирокида у чап томон красофкасининг ичидан ўз ихтиёри билан наша гиёҳвандлик воситасини топширганлигини кўздан кечириш жараёнида шериги Д.Ахмедов ва машинадан ҳеч нарса аниқланмаганлигини, ва ушбу моддани кимга тегишли эканлигини сўрашганида, у ушбу моддани ўзига тегишли эканлигини, ўзининг истеъмоли учун олиб юрганлигини айтганлигини, шундан сўнг ИИО ходимлари холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олишганлигини, ушбу гиёҳванд воситасини бирор-бир кишига сотиш ёки ҳада этиш нияти бўлмаганлигини, айбини тушуниб етганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Н.Ешимовнинг айби унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган.

Гувоҳ Д.Ахмедов ҳақиқатдан ҳам у Н.Ешимовни 2020 йилдан буён танишини Н.Ешимов унинг шогирди эканлигини у Н.Ешимовга мебель ясашни ўргатганлигини, у 2024 йил 10 июнь куни Н.Ешимовни мебель ясашга ёрдам беришини сўраб Янгийўл туманидан олиб мижознинг уйига ишга олиб бориш мақсадида машинасига ўтказганлигини ва Янгиҳаёт тумани “А.Турбанов” ЙПХ блок постидан ўтаётган вақтида уни бошқарувидаги машинани ИИО ходимлари тўхтатганлигини шунда улардан ҳужжатларни сўрашганлигини у ҳужжатларни ИИО ходимига тақдим қилганлигини Н.Ешимов ўзини шубҳали тутганлиги сабабли уни ёнини икки нафар холис иштирокида кўздан кечиришди ва чап томон оёқ



кийимининг ичидан оқ қоғозга ўралган ўт симон модда борлиги аниқланиб холислар иштирокида олинганлигини сўнг уни ва машинани кўздан кечиришганлигини ундан ҳеч қандай ноқонуний буюмлар аниқланмаганлигини, ва у ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб берганлигини, кўздан кечириш жараёнида бирор-бир ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир қилинмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Судланувчи Н.Ешимовнинг айби билдирги, ашёни олиш ҳақидаги баённома, судга оид кимёвий экспертизасининг хулосаси, юзлаштириш баённомаси, кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-суратлар, тушунтириш хатлари, кўрсатувлари судда ўқиб эшиттирилган гувоҳнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари билан ҳамда иш ҳужжатларида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Н.Ешимовнинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда олиш ва сақлашда ифодаланган қилмиш жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 12-сонли Қарорининг 6-банди талабига кўра, гиёҳванд воситаларига қонунга зид равишда эгалик қилиши шахсан истеммоли билан боғлиқ ҳолда ёнида сақлаши ушбу моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш сифатида, 8-банди талабига кўра, гиёҳвандлик воситаларини олиш қонунга хилоф равишда олиш сифатида баҳоланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 19-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир” деб, 20-моддасида эса, “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқдир. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларга назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб ҳамда 60-моддасида эса “Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар” деб белгиланган.

Жиноят учун жазонинг тўғри тайинланиши одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Адолатли жазо тайинлаш, ундан кўзланган мақсадларга, хусусан маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади ва бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги



“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ бўлади.

Суд, юқоридаги Олий суд Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи Н.Ешимовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ҳамда унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим деб топади.

Шунингдек, судга оид наркологик экспертизасининг 2024 йил 25 июндаги № 1488-сонли хулосасига кўра, судланувчи Н.Ешимов гиёҳвандликка қарши тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги аниқланганлиги сабабли, унга нисбатан гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чораларини қўлламасликни лозим топди.

Бундан ташқари, иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга топширилган, экспертизада сарфланганидан қолган 2,11 грамм “марихуанна” гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 19-20-моддалари ва Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ешимов Нодирбек Алимжон ўғли (YESHIMOV NODIRBEK ALIMJON O'G'LI) Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо Тошкент вилояти, Янгийўл туман ИИО Пробация гуруҳ белгиланган жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган ва жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Тошкент вилояти, Янгийўл туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

-Н.Ешимовга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси бекор қилинсин;



-Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга топширилган 2,11 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган вақтдан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, иш апелляция инстанцияси судида кўрилмай ҳукм қонуний кучга кирган тақдирда кассация тартибида шикоят келтиришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья:
Нусхаси аслига тўғри:

(имзо)

С.Т.Махаметов

